

# **Росулуллоҳнинг идомлари ҳақида келган ҳадислар баёни.**

**باب ما جاء في إدام رسول الله صلى الله عليه وسلم**

[ Ўзбекча – UzbeKing – ]

**Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий**

**Таржимон: Абдуллоҳ Шариф**

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий**

2009 - 1430

**islamhouse.com**

# باب ما جاء في إدام رسول الله صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

ترجمة: عبد الله شريف

مراجعة: شمس الدين درغاني

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين وأفضل الصلاة وأتم التسليم على خاتم النبيين صفة الصفة وقدوة القدوة  
من المرسلين الذي كرمه الله أعظم تكريمه فجعله على خلق عظيم وطبع كريم  
**26 ) باب ما جاء في إدام رسول الله وفيه( 34 ) حديثا**

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг нонга қўшиб ейдиган таомлари  
ҳақидаги боб.

Бобда 34 ҳадис ривоят қилинади.

151 - حدثنا محمد بن سهل بن عسكر وعبد الله بن عبد الرحمن قالا ثنا يحيى بن حسان ثنا  
سلیمان بن بلال عن هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة رضي الله عنها أن رسول الله قال نعم  
الإدام الخل قال عبد الله بن عبد الرحمن في حديثه نعم الأدم أو الإدام الخل

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади айтадиларки: Росулуллоҳ  
саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Сирка қандаям яхши идом". Абдуллоҳ  
ибн Абдураҳмон ҳадисларида "сирка мунчаям яхши идомдур" деганлар.

**Изоҳ:** Ҳанафий уламоларнинг машҳурларидан бири Мулла Алий қори Идом нон билан  
қўшиб танавул қилинадиган таомдир. - Дейдилар. Ҳадисга бир дикъат қиласилик!  
Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вاسаллам жудаям! Яхши - деб мақтәётган таом сирка  
холос! Бундай таомни ҳозирги замонимизда бирорвнинг истеъмол қилишини биласизми?  
Албатта ўйқ деб жавоб қиласиз! Балки бундай овқатланиш тобишнлар давридаёқ  
топилмай қолган. Бундан кейинги ҳадисда буни баёни ўтади инишааллоҳ,

152 - حدثنا قتيبة ثنا أبو الأحوص عن سماع بن حرب قال سمعت النعمان بن بشير يقول ألسنت  
في طعام وشراب ما شئتم لقد رأيت نبيكم وما يجد من الدقل ما يملأ بطنه

Нўмон ибн Башир айтадиларки: Сизлар ҳоҳлаганларингча еб-ичмаяпсизларми?  
Мен Пайғамбарингизни *саллаллоҳу алайҳи вاسаллам* тўйиб егани хурмо қоқисини ҳам  
топа олмаган ҳолларида кўрганман.

153 - حدثنا عبدة بن عبد الله الخزاعي ثنا معاوية بن هشام عن سفيان عن محارب بن دثار عن  
جابر بن عبد الله قال: رسول الله نعم الإدام الخل

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу  
алайҳи васаллам "сирка мунча ҳам яхши идом". – Дедилар.

154 - حدثنا هناد ثنا وكيع عن سفيان عن أبي قلابة عن زه دم الجري قال كنا عند أبي موسى الأشعري فأتي بلحm دجاج فتنجى رجل من القوم فقال مالك إني رأيتها تأكل شيئاً نتنا فحلفت أن لا آكلها قال ادن فإني رأيت رسول الله يأكل لحم دجاج

Захдам ибн Алжармий айтадиларки: Абу Мусо Ал-Ашъарийнинг олдиларида ўтирган эдик, тўсатдан товуқ гўшти олиб келинди. Шунда қавмдан бир киши ўзини четга олган эди Абу Мусо сенга нима? бўлди, дедилар. У айтдики: Мен товуқни жирканч нарсани танаввул қилганини кўрганман. Шунинг учун уни ҳечам емасликка қасам ичган эдим. Абу Мусо "қани яқинроқ келчи" мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни товуқ гўшти еганларини кўрганман. - Дедилар.

155 - حدثنا الفضل بن سهل الأعرج البغدادي ثنا إبراهيم بن عبد الرحمن بن مهدي عن إبراهيم بن عمر بن سفينة عن أبيه عن جده قال أكلت مع رسول الله لحم حباري

Иброҳим ибн Умар ибн Сафина оталаридан оталари боболаридан ривоят қиладилар: У зот Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳубаро гўштини еганман деган эканлар.

**Изоҳ:** Ҳадисни шарҳловчи уламоларнинг баъзилари ҳубаро саҳроларда яшайдиган кабутар тенглигидаги ёввойи қуши десалар, бошқа бирлари ҳубаро тувалоқ деб атамиии саҳровий катта қушидир - дейдилар.

156 - حدثنا علي بن حجر ثنا إسماعيل بن إبراهيم عن القاسم التميمي عن زهد المجري قال كنا عند أبي موسى الأشعري قال فقدم طعام وقدم في طعامه لحم دجاج وفي القوم رجل منبني تم الله أحمر كأنه مولى قال فلم يدن فقال له أبو موسى ادن فإني قد رأيت رسول الله أكل منه قال إني رأيته يأكل شيئاً فقدرته فحلفت أن لا أطعمه أبداً

Захдам Алжармий айтадиларки: Абу Мусо Ал-Ашъарийнинг ҳузурларида эдик, у кишига таом ҳозирланди, таомда товуқ гўшти ҳам бор эди. Қавм ичиди Бани Таймиллаҳ қабиласига мансуб бир буғдой ранг киши бор эди. Афтидан мавлога (озод этилган қул) ўхшайди. Ровий айтадиларки: шу одам овқатга яқин ўтирмади. Шунда Абу Мусо Ал-Ашъарий унга яқинроқ кел., Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни товуқ гўштидан еганларини кўрганман. – Дедилар. У мен товуқни ифлос нарса еганини кўриб, кўнглим хуш кўрмай, товуқ гўштини ҳечам емасликка қасам ичган эдим.- Деди.

**Изоҳ:** Нажсосатларни ейишга одатланган ҳайвонни фуқаҳолар жаллола деб аташади. Бундай овқатга ўрганган ҳайвон агар тужа бўлса баъзи уламолар уни қирқ кун нопок овқатдан узоқ тутиб, тоза овқат беруб боқилади. Ундан сўнг сўйши мумкин, - дейдилар.

“Бадоъи ас-саноъи” китобининг муаллифи Косоний раҳимаҳуллоҳ айтшиларича: Абу Ҳанифа раҳимхуллоҳдан муддатини белгилаганликлари ривоят қилинмай у зот то тую қорнида еган најсосатлар чиқиб кетиб, унинг танасидан ёмон ҳид анқимайдиган бўлгинча деган эканлар. Товуқ масаласига келсак бунда уч кунни белгилаган эканлар. Яъни уч кунгача товуқни најсосат ерлардан сақлаб, покиза овқатлар бериб боқиласди-да, сўнг сўйишга рухсат бўлади. Косоний айтадилар: Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ товуқча уч кунни белгилашларида бу ҳақда келган бирор ҳадисга таянган бўлсалар керак.

– حدثنا محمد بن غيلان ثنا أبوأحمد الزبيري وأبو نعيم قالا ثنا سفيان عن عبد الله بن عيسى عن رجل من أهل الشام يقال له عطاء عن أبي أسيد قال قال رسول الله كلوا الزيت وادهنوا به فإنه من شجرة مباركة 157

Абу Асиддан ривоят қилинади: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам зайдун ёғини енглар ва унинг ёғи билан ёғланинглар, чунки у муборак дараҳтдандир. – Дедилар.

– حدثنا يحيى بن موسى ثنا عبد الرزاق ثنا معاشر عن زيد بن أسلم عن أبيه عن عمر بن الخطاب رضي الله تعالى عنه قال قال رسول الله كلوا الزيت وادهنوا به فإنه من شجرة مباركة قال أبو عيسى وكان عبد الرزاق يضررب في هذا الحديث فربما أسنده وربما أرسله 158

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадилар: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам зайдун ёғини енглар ва унинг ёғи билан ёғланинглар, чунки у муборак дараҳтдандир.- Дедилар.

Абу Ийсо Термизий айтадиларки: Ровийлардан бири Абдураззоқ исмлик киши гоҳ исноди билан, гоҳо иснодсиз, мурсал қилиб ривоят қиларди.

– حدثنا السنخي وهو أبو داود سليمان بن معبد المروزي السنخي ثنا عبد الرزاق عن معاشر عن زيد بن أسلم عن أبيه عن النبي نحوه ولم يذكر فيه عن عمر 159

Зайд ибн Аслам оталаридан худди шу ҳадисни ривоят қиладилар. Лекин Умар розипллоҳу анҳудан ривоят қилмаганлар.

– حدثنا محمد بن بشار ثنا محمد بن جعفر وعبد الرحمن بن مهدي قالا ثنا شعبة عن قتادة عن أنس بن مالك قال كان النبي يعجبه الدباء فأتي بطعم أو دعى له فجعلت أتبعه فأضعه بين يديه لما أعلم أنه يحبه 160

Анас розиллоҳу анхудан ривоят қилинади: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга ошқовоқ ёқарди. Бир куни у зотга таом келтирилди, ёки таом буюрилди, мен у зот ошқовоқни ёқтиришларини билғанлигим учун ошқовоқни у киши учун териб олиб, олдиларига құйядим.- Дейдилар.

161 - حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا حفص بن غياث عن إسماعيل بن أبي خالد عن حكيم بن جابر  
عن أبيه قال دخلت على النبي فرأيت عنده دباء يقطع فقلت ما هذا قال نكثر به طعامنا قال أبو  
عيسى وجابر هو جابر بن طارق ويقال ابن أبي طارق وهو رجل من أصحاب رسول الله ولا نعرف له  
إلا هذا الحديث الواحد وأبو خالد اسمه سعد

Ҳаким ибн Жобир оталаридан ривоят қиласылар оталари айтадиларки: Мен Росуллороң саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кирдим олдиларида ошқовоқ бор эди. Уни түрғаёттан эканлар. Мен бу нима? дедим. У зот айтадиларки: Бу билан овқатимизни күпайтирамиз. Абу Ийсо айтадилар: Жобир у Жобир ибн Ториқдир уни Ибн Абу Ториқ ҳам деб аташади, у Росуллороң саллаллоҳу алайҳи васалламнинг асхобларидан бўлади. Уни бундан бошқа ҳадис ривоят қиласини билмаймиз. Абу Холиднинг исми Саъддир.

162 - حدثنا قتيبة بن سعيد عن مالك بن أنس عن إسحاق بن عبد الله بن أبي طلحة أنه سمع أنس  
بن مالك يقول إن خياطا دعا رسول الله لطعام صنعه فقال أنس فذهبت مع رسول الله إلى ذلك  
الطعام فقرب إلى رسول الله خبزا من شعير ومرقا فيه دباء وقديد قال أنس فرأيت النبي يتبع الدباء  
حوالي الصحفة فلم أزل أحب الدباء من يومئذ

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади айтадилар: Бир чевар киши Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни меҳмонгарчилликка чақирди. Анас айтадилар: Мен ҳам Росуллороң саллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бордим. Чевар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга арпа нони, ошқовоқ ва куритилган гүшт солинган шўрва олиб келди. Мен Росуллороң саллаллоҳу алайҳи васалламни косанинг ҳар тарафидан ошқовоқни ахтариб териб еётганларини кўрдим. Шунинг учун анашу кундан бери ошқовоқни яхши кўраман.

163 - حدثنا أحمد بن إبراهيم الدورقي وسلمه بن شبيب ومحمود بن غيلان قالوا حدثنا أبوأسامة  
عن هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة قالت كان النبي يحب الحلواء والعسل

Оиша онамиздан ривоят айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шириналликни ва асални яхши кўрар эдилар.

164 - حدثنا الحسن بن محمد الزعفراني حدثنا الحاج بن محمد قال قال ابن جريج أخبرني محمد بن يوسف أن عطاء بن يسار أخبره أن أم سلمه أخبرته أنها قربت إلى رسول الله جنبا مشويا فأكل منه ثم قام إلى الصلاة وما توضأ

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади: У зот Пайғамбар саллаллоху алайҳи васалламга биқин гүштидан пиширилган кабоб олиб кирган эканлар. Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам ундан танавул қилиб, таҳоратни янгиламаган эканлар.

165 - حدثنا قتيبة ثنا ابن هليعة عن سليمان بن زياد عن عبد الله بن الحارث قال أكلنا مع رسول الله شواء في المسجد

Абдуллоҳ ибн Ал-Ҳорис айтадилар: Биз Ресулуппох саллаллоху алайҳи васаллам билан биргаликда масжидда кабоб еганмиз.

166 - حدثنا محمود بن غيلان أئبنا وكيع ثنا مسمر عن أبي صخرة جامع بن شداد عن المغيرة بن عبد الله عن المغيرة بن شعبة قال ضفت مع رسول الله ذات ليلة فأتي بجنب مشوي ثم أخذ الشفرة فجعل يحز فحز لي بها منه قال فجاء بلال يؤذنه بالصلاوة فألقى الشفرة فقال ما له تربت يداه قال وكان شاربه قد وفى فقال له أقصه لك على سواك أو قصه على سواك

Муғира ибн Шўъбадан ривоят қилинади. Айтадилар: Мен бир кече Ресулуппох саллаллоху алайҳи васаллам билан меҳмон бўлдим. Биқин гүштидан таёrlанган кабоб келтиришди, у зот катта бир пичоқни олиб ундан кеса бошладилар. Менга ҳам кесиб бердилар. Бир вақт Билол келиб намоз вақти кирганини хабар қилиб қолди, Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам пичоқни ташлаб, нима бўлди унга қўли тупроққа белансин! Муғира ибн Шўъбанинг мўйлаблари ўсиб қолган эди, Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам унга мўйловингни мисвак устига қўйиб қисқартириб қўяман, ё ўзинг мисвак устига қўйиб қисқартириб ол! – дедилар.

**Изоҳ:** Уламолар ўрталарида пичоқ билан гўштни кесиб ейши жоизлигида ихтилоф бор, сабаби пичоқ билан кесиб ейши мумкин эмаслигида ҳадис ворид бўлган. Манабу ҳадис эса гўштни пичоқ билан кесиб ейшилик жоизлиги яққол далил бўляпти, шунинг учун уламолар пичоқ билан кесиб ейши жоиз эмас деган ҳадисни пичоқ билан кесиб пичоқ устида ейши жоиз эмас, аммо пичоқ билан кесиб, сўнг уни қўлида еса жоизdir деб таъвил қиласилар. Мулла Алий Қори Пайғамбар саллаллоху алайҳи васалламнинг Билолга қилган дуолари, яъни қўлинг тупроққа белансин деганлари камбагал қашишоқ бўлгин деган мазмун бўлиб, бу сўзни ҳақиқатини қўзда тутилган эмас,- дейдилар. Балки бу қадим-қадимдан араблар ўрталарида кенг тарқалган одатлардан бўлиб, бундай услугуб биз ўзбеклар урфида ҳам бор, мисол учун она ўз фарзандини ҳа сани! қуриб кетмагур ёки қуриб кетгур, ўлмагур, ўлгур,

бала тушимагур ва ҳоказо сүзлар билан койииди. Гоҳо шу сүзлар билан эркалайди ҳам, лекин ниятида ана шу ҳолатни бўлишини ҳаргиз истамайди. Мўйлов қисқартириши масаласи жуда дикқатга эътиборлидир, шунинг учун Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам мен мўйловингни қисқартириб қўяман. – Дедилар.

– حدثنا واصل بن عبد الأعلى ثنا محمد بن فضيل عن أبي حيأن التي مي عن أبي زرعه عن أبي 167

هريرة قال أتى النبي بلح فرفع إليه الذراع وكانت تعجبه فنهس منها

Абу Ҳурайра розиллоҳу анхудан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга гўшт келтирилди, сўнг у зотга гўштнинг қўл қисмини берилди, чунки у зот қўл гўштини ёқтирас эдилар, кейин ундан тишлаб ея бошладилар.

– حدثنا محمد بن بشار ثنا أبو داود عن زهير يعني ابن محمد عن أبي إسحاق عن سعد بن عياض عن ابن مسعود قال: كان النبي يعجبه الذراع قال وسم في الذراع وكان يرى أن اليهود سموه 168

Ибн Масъуд розияллоҳу анху айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга қўй гўштининг қўл қисми ёқар эди. У зот шу қўл гўшти билан заҳарландилар. У кишини заҳарлаганлар яхудлар эканлиги ҳам маълум эди.

**Изоҳ:** Мулла Алий қори айтадиларки: Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни яхудлар заҳарлаганлар дейилди. Аслида битта яхудий аёл заҳарлаган, лекин у аёл яхудлар билан маслаҳат қилиб, уларнинг кўрсатмаларига кўра улардан кучли заҳар олиб қотилликка қўл урганлиги учун яхудлар ҳаммалари теппа-тенг жиноятчи ҳисобланадилар. Кейин бу аёл қўлга олиниб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ундан нима? учун бу ишини қилдинг! деб сабабини сўраганларида. У аёл пайғамбар бўлса заҳар зарар бермайди, агар ундаи бўлмаса ўлади биз қутиласиз. - Деди. Ресуллороҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уни афв этдилар. Чунки у зот ўз нафслари учун ҳеч кимдан қасос олган эмаслар. Лекин у киши билан анашу заҳарланган гўштдан танавул қилган Бишр ибн Ал-Баро исмлик саҳоба шу заҳарли гўшт таъсири остида вафот қилиб қолади. Кейин у аёлдан қасос олиб берадилар. Лекин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам вафотларидан аввал яхудий аёл заҳарлаган заҳарнинг таъсири ҳанузгача бор дер эдилар. Шунга кўра баъзи уламолар Ресуллороҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳид бўлиб вафот этдилар дейшишади.

Валлоҳу аълам.

وَصَلَى اللَّهُ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ وَسَلَّمَ.